

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/13.05.2020.Yu.22.03
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

АБЗАЛОВА ХУРШИДА МИРЗИЯТОВНА

**ОДАМ ЎЛДИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ЖИНОЯТ-
ҲУҚУҚИЙ ВА КРИМИНОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ**

12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш.
Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи

**Юридик фанлар доктори (Doctor of Science) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Content of the Doctor of Science (DSc) Dissertation Abstract

Абзалова Хуршида Мирзиятовна

Одам ўлдиришга қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жихатлари.....3

Абзалова Хуршида Мирзиятовна

Уголовно-правовые и криминологические аспекты борьбы с убийствами.....29

Abzalova Khurshida Mirziyatovna

Criminal-legal and criminological aspects of the fight against murder.....54

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....59

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/13.05.2020.Yu.22.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

АБЗАЛОВА ХУРШИДА МИРЗИЯТОВНА

**ОДАМ ЎЛДИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ЖИНОЯТ-
ҲУҚУҚИЙ ВА КРИМИНОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ**

12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш.
Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи

**Юридик фанлар доктори (Doctor of Science) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.3.DSc/Yu83 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tsul.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим тармоғи порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Расмий оппонентлар:

Кабулов Рустам

юридик фанлар доктори, профессор

Отажонов Абдор Анварович

юридик фанлар доктори, профессор

Махкамов Отабек Мухтарович

юридик фанлар доктори

Етакчи ташкилот:

**Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси
Ҳарбий-техник институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги DSc.07/13.05.2020.Yu.22.03 рақамли Илмий кенгашининг 2020 йил «8» июль куни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент ш., Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел.: (99871) 233-66-36; факс: (998971) 233-37-48; e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 13. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2020 йил «__» июнь куни тарқатилди.
(2020 йил __ июндаги __-рақамли реестр баённомаси).

У.А.Тухташева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори (DSc), профессор

Д.Г.Камалова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Н.С.Салаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори (DSc), профессор в.б.

КИРИШ (Докторлик диссертацияси (DSc) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш қонунчилиқни такомиллаштиришнинг устувор йўналишларидан биридир. Ушбу жараёнда жиноят-ҳуқуқий муҳофазанинг энг қимматли объекти сифатида инсон ҳаётини ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган жиноят қонунчилиги алоҳида ўрин эгаллайди. Қасддан одам ўлдиришга қарши курашиш суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятининг устувор вазифаларидан ҳисобланади. Мазкур жиноятларга қарши самарали курашиш чораларини кўриш, уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини, шунингдек айбдор шахсини ўрганиш катта илмий ва амалий аҳамиятга эга. 2019 йил якунлари бўйича БМТнинг Global Study on Homicide маърузасида келтирилган статистикага кўра, қасддан одам ўлдириш жинояти ҳар 100 минг кишига Салвадор Республикасида 61,8 та, Бразилияда – 30,5 та, Россияда – 10,82 та, Швейцарияда – 5,35 та, Ўзбекистонда – 3 та, Финляндияда – 1,42 та, Буюк Британияда – 1,2 тани ташкил этади¹. Юқоридагилар инсон ҳаётининг жиноят-ҳуқуқий муҳофазаси самарадорлигига алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини кўрсатади.

Жаҳонда жиноят қонунчилигини такомиллаштириш, қасддан одам ўлдирилганлик учун адолатли жазо тайинлаш, жиноят-ҳуқуқий муҳофаза қилиш объекти сифатида шахснинг ҳаётини ҳимоя қилиш, қасддан одам ўлдириш ва ҳаётга қарши бошқа жиноятлар учун қатъий жавобгарлик чоралари ва жиноий жазони белгилаш, қасддан одам ўлдиришнинг олдини олиш бўйича чоратадбирлар самарадорлигини ошириш, ҳаётга қарши жиноятлар, хусусан қасддан одам ўлдиришнинг сабаб ва шарт-шароитлари, жиноятчи шахсининг криминалогик тавсифи, ушбу жиноятларни тўғри квалификация қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда жиноят қонунчилигини такомиллаштириш, жиноят содир этган шахсларга нисбатан адолатли жазо тайинлаш, яъни айнан шахснинг ҳаёти, соғлиғи, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини олий қадрият сифатида ҳимоя қилиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилиб, мазкур соҳа муайян даражада ривожлантирилмоқда. Хусусан, қасддан одам ўлдирилганлик учун аниқ жавобгарлик чораларини белгилаш, квалификацияда вужудга келадиган муаммоларнинг олдини олиш, профилактик чора-тадбирларни кучайтириш мақсадида кенг кўламли тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Дарҳақиқат, «жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш ва либераллаштириш, алоҳида жиноий қилмишларни декриминаллаштириш, жиноий жазолар ва уларни ижро этиш тартибини инсонпарварлаштириш, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини ошириш»² қонун устуворлигини

¹ <https://www.unodc.org/>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон.

таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланиб, бу соҳани тадқиқ этиш долзарб аҳамиятга эга.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги (1995), «Қурол тўғрисида»ги (2019) Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ–4947-сонли, 2017 йил 30 ноябрдаги «Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–5268-сонли фармонлари, 2018 йил 14 майдаги «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3723-сонли қарори ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи¹. Одам ўлдиришга қарши курашиш чораларини такомиллаштиришга, ҳаётга қарши жиноятларнинг профилактикаси ва уларнинг олдини олишга, жиноят қонунчилигини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари БМТнинг Наркотик ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси (UNODC), Violence Research Centre, University of Cambridge (Буюк Британия), Case Western Reserve University (АҚШ), Law Government Gun Crime Prevention Research Center (АҚШ), Canadian Domestic Homicide Prevention Initiative (Канада), М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети (РФ), Жазоларни ижро этиш федерал хизматининг Ҳуқуқ ва бошқарув академияси (РФ), Россия халқлар дўстлиги университети (РФ), Иммануил Кант номидаги Болтиқ федерал университети (РФ), Қозоғистон криминологик ассоциацияси (Қозоғистон Республикаси), Тошкент давлат юридик университети каби халқаро, илмий ва таълим муассасаларида амалга оширилмоқда.

Одам ўлдиришга қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатларини ўрганишга оид тадқиқотларда муайян илмий натижаларга эришилган. Жумладан, улар томонидан амалга оширилган илмий тадқиқотлар натижасида одам ўлдиришнинг профилактикаси ва унинг олдини олиш учун минтақавий тадқиқотлар амалга ошириш лозимлиги, одам ўлдиришга ижтимоий-иқтисодий ва экологик шароитлар, бошқарув ва қонун

¹ Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи: <https://www.unodc.org>, <https://www.vrc.crim.cam.ac.uk>, <https://thedaily.case.edu>, <https://crimeresearch.org>, <http://cdhpi.ca>, <https://www.msu.ru>, <http://www.apu.fsin.su>, <http://www.rudn.ru>, <https://www.kantiana.ru>, kazcrim@netmail.kz, <https://tsul.uz> ва бошқа манбалардан олинган.

устуворлиги, сиёсий барқарорлик, демография ва маданий қарашлар, хусусан гендер тенглиги каби масалаларнинг таъсир кўрсатиши (БМТ Наркотик ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси); зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларга, хусусан одам ўлдиришга ҳаётий шароитлар, ишсизлик, гиёҳвандлик ва алкоголизмнинг таъсири (Violence Research Centre, University of Cambridge); одам ўлдириш ёки унга суиқасд қилишдан кўпроқ оиладагилар жабр кўриши эҳтимоли юқори эканлиги (Case Western Reserve University); одам ўлдиришда қуролдан фойдаланиш ва унинг ғайриқонуний муомаласи омили мавжудлиги (Law Government Gun Crime Prevention Research Center, Canadian Domestic Homicide Prevention Initiative), жиноят қонунида жазони енгиллаштирувчи таркибли одам ўлдириш жиноятлари тизимини такомиллаштириш муаммолари (М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети); шартли ҳукм қилинганлар томонидан содир этилган одам ўлдиришнинг криминологик тавсифи ва уларнинг олдини олиш масалаларининг таҳлили лозимлиги (Жазоларни ижро этиш федерал хизматининг Ҳуқуқ ва бошқарув академияси); сиёсий, мафкуравий, ирқий, миллий ва диний ёки бирон-бир ижтимоий гуруҳга нисбатан адоват замирида содир этилган қасддан одам ўлдиришнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик тавсифи (Россия халқлар дўстлиги университети); эвтаназиянинг одам ўлдириш эканлиги (Иммануил Кант номидаги Болтиқ федерал университети); зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар, хусусан одам ўлдиришнинг яқка тартибдаги профилактикасининг аҳамияти ва ўрни (Қозоғистон криминологик ассоциацияси); одам ўлдиришга қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатларини такомиллаштириш (Тошкент давлат юридик университети) лозимлиги тўғрисидаги хулосалар шакллантирилган ва асослантирилган.

Жаҳонда одам ўлдиришга қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: оила аъзоларини ҳаётга тажовуз қилувчи зўравонликдан ҳимоя қилиш; одам ўлдириш учун жавобгарлик ва жазодан озод қилиш билан боғлиқ жиноят-ҳуқуқий нормаларини такомиллаштириш; қурол муомаласининг ҳаётга қарши жиноятлар содир этилишига таъсири; адоват замирида одам ўлдиришнинг сабаб ва шарт-шароитларини ўрганиш; эвтаназияни жиноят қонунида таъқиқлаш ва бошқалар.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қасддан одам ўлдиришга қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик чоралари ҳам миллий, ҳам дунё жиноят-ҳуқуқий фанининг устувор йўналишлари ҳисобланади. Мамлакатимизда қасддан одам ўлдиришга қарши ҳуқуқий курашишнинг умумий жиҳатлари М.Ҳ.Рустамбаев, Р.Кабулов, Р.А.Зуфаров, А.С.Якубов, Қ.Р.Абдурасулова, А.А.Отажонов, О.Крутько ва бошқаларнинг илмий ишларида ўрганилган.

Инсон ҳаётига тажовуз қилувчи жиноятларга қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик чораларини ўрганиш масалаларига А.И.Рарог, А.И.Чучаев, В.П.Ревин, И.И.Лукашук, Ю.М.Антонян, Г.Н.Борзенков, А.Н.Красиков, И.Ч.Борчашвили, А.Б.Бекмагамбетов, Н.И.Загородников, Л.И.Глухарева, П.А.Андрушко, А.А.Арямов, Н.А.Бабий,

С.В.Бородин, В.А.Байков, В.И.Мокринская, Т.А.Плаксина, Т.Н.Нуркаева, О.Н.Ярошенко, Д.Ю.Краев, Н.Г.Рахматуллина, О.С.Капинус ва бошқа олимлар ўз илмий ишларини бағишлаганлар.

Қасддан одам ўлдиришга қарши курашиш ва мазкур жиноятларга адолатли жазо тайинлаш масалалари К.Binding, А.Noche, В.Gert, Mark P. Mostert, J.Pradel, J.Rachels¹ каби олимлар ва мутахассислар томонидан ўрганилган.

Бироқ, республикамизда одам ўлдиришга қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари бўйича комплекс монографик тадқиқот ўтказилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент давлат юридик университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилиб, «Ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва профилактика қилишнинг инновацион усул ва воситалари» илмий-амалий грант лойиҳаси илмий йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади одам ўлдириш учун жавобгарлик қисмида жиноят қонунчилигини янада такомиллаштириш ва мазкур соҳада суд-тергов амалиёти самарадорлигини оширишга қаратилган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ҳаётга қарши жиноятларнинг тушунчаси ва моҳиятига тавсиф бериш;
одам ўлдириш тушунчасига нисбатан назарий-ҳуқуқий ёндашувларни таҳлил қилиш;

одам ўлдириш учун жавобгарлик белгиловчи Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигининг вужудга келиши ва ривожланишини тадқиқ этиш;

Ўзбекистон Республикаси ЖКга мувофиқ одам ўлдириш жинояти таркибини ўрганиш;

Ўзбекистон Республикасида одам ўлдиришнинг олдини олиш масалаларини таҳлил этиш;

одам ўлдириш билан боғлиқ жиноятчилик детерминантлари, жиноятчи шахсининг тавсифини ўрганиш;

одам ўлдириш учун жавобгарликни тартибга солувчи хорижий мамлакатлар жиноят қонунчилигидаги ижобий жиҳатларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш имкониятларини аниқлаш;

одам ўлдиришни квалификация қилиш қоидаларини такомиллаштириш ва одам ўлдиришни ўхшаш таркибли жиноятлардан фарқлаш;

жиноят қонунчилигини такомиллаштириш ва қонунни қўллаш амалиётини яхшилаш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти одам ўлдиришнинг жиноят-ҳуқуқий тавсифи ва одам ўлдиришга қарши курашиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти билан боғлиқ муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети қасддан одам ўлдириш учун жиноий

¹ Мазкур олимлар ишларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

жавобгарлик ҳамда ҳаётга қарши жиноятлар учун адолатли жазо тайинлаш масалаларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, амалдаги қонунчилик ва хорижий мамлакатлар амалиёти, шунингдек жиноят-ҳуқуқий фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялардан иборатдир.

Тадқиқотнинг усуллари. Қўйилган вазифаларни ҳал этишда илмий тадқиқотнинг умумилмий ва махсус усулларидан, яъни тарихий, тизимли, қиёсий-ҳуқуқий, таҳлилий, контент-таҳлил, мантиқий-юридик ва бошқа усулларидан фойдаланилган. Мазкур усулларнинг барчаси маълум даражада диссертация тадқиқоти натижаларининг аниқлиги ва асосланганлигини таъминлашга хизмат қилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш ҳамда сақлаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш устуворлигини қурол ва унинг ўқ-дорилари муомаласининг асосий принципи сифатида белгилаш, одам ўлдириш учун мўлжалланган қурол ҳамда унинг ўқ-дорилари муомаласини тақиқлаш, шунингдек улар қўлланилиши натижасида жабрланувчиларнинг ҳаётига зарар етказилган ҳар бир ҳолат тўғрисида тегишли органларга хабар қилиш ва жабрланувчиларга имкон қадар қисқа муддатда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш мажбуриятини қурол эгаси зиммасига юклаш зарурлиги асосланган;

хотин-қизларга нисбатан жисмоний, руҳий, жинсий ёки иқтисодий тазйиқ ўтказиш орқали уларнинг ҳаётига тажовуз қиладиган ғайриқонуний қилмиш зўравонлик, деб тан олинishi кераклиги асослантирилган;

давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни хотин-қизларнинг ҳаёти ёки соғлиғига хавф солувчи фактлар ва аниқланган сабаблар тўғрисида хабардор қилиши лозимлиги исботланган;

хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этишга мойил бўлган ёки уни содир этган ғайриижтимоий хулқ-атворли шахсларга нисбатан хотин-қизларнинг ҳаётига хавф солувчи зўравонликни олдини олишнинг яқка тартибдаги чораларини кўриш лозимлиги асослантирилган;

тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи ваколатли органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини бирлаштириш мақсадида тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий, руҳий, тиббий ва бошқа ёрдам кўрсатиш бўйича махсус марказлар ташкил этиш лозимлиги асослантириб берилган;

худудда одам ўлдиришнинг олдини олиш, мазкур жиноятларни тез фош этилишини таъминлаш мақсадида профилактика инспекторлари ва тезкор ходимларга нисбатан иқтисодий таъсир ёки рағбатлантириш чораларини қўллаш зарурати исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги жиноят қонунчилигини такомиллаштириш юзасидан тегишли таклифлар ишлаб чиқилган;

инсон ҳаёти тананинг бирон-бир қисми пайдо бўлиши билан бошланади ва биологик ўлим билан яқунланади, деган хулосага келинган;

хорижий тажриба ва қонунни қўллаш амалиётининг чуқур ўрганилиши асосида эвтаназия учун жавобгарлик белгилаш таклиф этилган;

одам ўлдириш тўғрисидаги нормага одам ўлдириш кўринишидаги жиноятнинг тушунчасини, яъни «бошқа шахсни қасдан қонунга хилоф равишда ҳаётдан маҳрум қилиш» деган таърифни киритиш асосланган;

одам ўлдириш учун жавобгарлик белгиланган модданинг тузилишини уч қисмдан иборат қилиб, айрим оғирлаштирувчи ҳолатлар билан тўлдириш зарурати асослантирилган;

одам ўлдиришни терроризм, Ўзбекистон Республикаси Президентига тажовуз қилиш, геноцид каби ўхшаш таркибли жиноятлардан фарқлари очиқ берилган;

одам ўлдиришнинг олдини олиш ва унинг профилактикасига оид қонунчиликни уйғунлаштириш ва тизимлаштириш зарурати асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижалари миллий қонунчилик нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, ҳуқуқни қўллаш амалиётига асосланган, бундан ташқари хулосалар социологик тадқиқотлар, статистик маълумотлар таҳлили натижаларини умумлаштириш орқали амалий жиҳатдан асослантирилган, шунингдек олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация ишининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, амалий таклиф ва тавсиялардан келгусида илмий фаолиятда, амалдаги жиноят қонунчилигини такомиллаштиришда, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда, суд-тергов органлари фаолиятида, шунингдек жиноят ҳуқуқи, жиноятларни квалификация қилиш, криминология, виктимология, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси каби фанларни илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти одам ўлдириш учун қатъий жавобгарликни белгилаш, жиноят қонунчилигини такомиллаштириш бўйича янги илмий изланишларни олиб боришга асос бўлади. Шунингдек улардан жиноят ҳуқуқи, жиноятларни квалификация қилиш, криминология, виктимология, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фанлари бўйича маъруза, мунозара ва амалий машғулотларда, ўқув ва методик қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Одам ўлдириш учун жавобгарлик қисмида Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигини такомиллаштириш масалаларини тадқиқ этишнинг илмий натижалари асосида:

фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш ҳамда сақлаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш устуворлигини қурол ва унинг ўқ-дорилари муомаласининг асосий принципи сифатида белгилаш, одамни ўлдириш учун мўлжалланган чекланган шикаст етказувчи ўқотар қуролнинг фуқаровий ва хизмат қуроли ҳамда унинг ўқ-дорилари сифатида

муомаласини тақиқлаш, фуқаровий ва хизмат қуроли қўлланилган, фуқароларнинг ҳаётига зарар етказилишига олиб келган ҳар бир ҳолат тўғрисида қурол эгаси қурол қўлланилган жойдаги ички ишлар органига дарҳол хабар қилиши, фуқаровий ва хизмат қуроли қўлланилганлиги натижасида фуқароларнинг соғлиғига зарар етказилган тақдирда, мазкур қурол эгаси баданига шикаст етган фуқароларга биринчи ёрдам бериши, шунингдек уларга имкон қадар қисқа муддатда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиши чораларини кўриши шартлиги тўғрисидаги таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 июлдаги ЎРҚ–550-сон «Қурол тўғрисида»ги Қонунининг 4-моддаси учинчи хатбошида, 9-моддаси биринчи қисмида, 26-моддаси учинчи ва тўртинчи қисмларида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2019 йил 23 сентябрдаги 06-14/1913-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф қурол муомаласида инсон ҳаётини ҳимоя қилиш устуворлигини, одам ўлдиришда фойдаланишни тақиқлашни қонунда мустаҳкамланишига имкон яратган, шахсни ҳаётдан маҳрум қилган қурол эгаларининг жавобгарлигини ошириш, ҳаёти хавф остида қолган шахсга ёрдам кўрсатиш мажбуриятини ҳуқуқий нормада мустаҳкамлашга хизмат қилган;

хотин-қизларга нисбатан жисмоний, руҳий, жинсий ёки иқтисодий тазйиқ ўтказиш орқали уларнинг ҳаётига тажовуз қиладиган ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) зўравонлик ҳисобланиши тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги ЎРҚ–561-сон «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 3-моддасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари бўйича қўмитасининг 2020 йил 4 мартдаги 05/1-07-22-сон далолатномаси). Мазкур таклиф зўравонликни ҳуқуқий нормада хотин-қизларнинг ҳаётига тажовуз сифатида мустаҳкамланишига имкон яратган;

давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни хотин-қизларнинг ҳаёти ёки соғлиғига хавф солувчи фактлар ва аниқланган сабаблар тўғрисида хабардор қилиши лозимлиги ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги ЎРҚ–561-сон «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 11-моддасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари бўйича қўмитасининг 2020 йил 4 мартдаги 05/1-07-22-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф хотин-қизларга нисбатан содир этилиши мумкин бўлган жиноятларни фош этишда соғлиқни сақлаш органлари ва муассасаларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга қўмаклашиши мажбуриятининг қонуний асослари яратилишига хизмат қилган;

хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этишга мойил бўлган ёки уни содир этган ғайриижтимоий хулқ-атворли шахсларни аниқлаш ҳамда уларга профилактик таъсир кўрсатиш лозимлиги тўғрисидаги таклиф

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги ЎРҚ–561-сон «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 19-моддасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари бўйича қўмитасининг 2020 йил 4 мартдаги 05/1-07-22-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф хотин-қизлар ҳаёти ва соғлиғига тажовуз қилувчи зўравонликни олдини олишнинг яқка тартибдаги чораларини кўриш тўғрисидаги қонуннинг қонунда мустаҳкамланишига хизмат қилган;

тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи ваколатли органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини бирлаштириш мақсадида тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий, руҳий, тиббий ва бошқа ёрдам кўрсатиш бўйича махсус марказлар ташкил этиш тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги ЎРҚ–561-сон «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 27-моддасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари бўйича қўмитасининг 2020 йил 4 мартдаги 05/1-07-22-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф хотин-қизларни зўравонликдан ҳимоя қилиш бўйича чораларни мувофиқлаштириш учун ҳуқуқий асос яратган;

худудда одам ўлдиришнинг олдини олиш, мазкур жиноятларни тез фош этилишини таъминлаш мақсадида профилактика инспекторлари ва тезкор ходимларга нисбатан иқтисодий таъсир ёки рағбатлантириш чораларини қўллаш зарурати тўғрисидаги таклиф Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 февралдаги 137-сон қарори билан тасдиқланган Бириктирилган худудда ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича фаолиятини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомга 2-илованинг 1 ва 3-позицияларида ҳамда 3-илованинг 1 ва 9-позицияларида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикасининг Ички ишлар вазирлигининг 2020 йил 5 мартдаги 34/1-1330-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф одам ўлдиришнинг олдини олиш ва уни фош этишда профилактика инспекторлари ва тезкор ходимларнинг жавобгарлигини оширишга хизмат қилган ва уларни рағбатлантиришга асос бўлган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та, жумладан, 3 та халқаро, 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, 13 та илмий мақола (улардан 3 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 260 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириши** (докторлик диссертацияси аннотацияси)да тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг «**Одам ўлдириш учун жавобгарликнинг умумий тавсифи**» номли биринчи бобда одам ўлдириш учун жавобгарликни назарда тутувчи қонунлар ретроспектив таҳлил қилинган, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ одам ўлдириш учун жавобгарликнинг умумий тавсифи берилган.

Диссертацияда одам ўлдириш учун жавобгарликни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси жинойт қонунчилигининг ривожланиш тарихи шартли равишда беш босқичга бўлинган:

1. Исломгача бўлган давр. Мазкур давр зардуштийлик динининг таъсири билан тавсифланади. Авестода кўп марта қасддан одам ўлдириш ҳақида сўз боради. Бундан ташқари, қасддан одам ўлдириш ҳақида эслатиб ўтилганининг ўзи ҳам зардуштийлар томонидан ўша даврда айб масаласига, яъни жинойтнинг субъектив томонини аниқлашга эътибор берилганлигини кўрсатади. Нафақат Авестода, балки зардуштийлик давридаги бошқа ҳуқуқий манбаларда ҳам бошқа солиҳ одамни ҳаётидан ғайриқонуний маҳрум қилиш энг оғир гуноҳ ҳисобланган. Масалан, «Ақл руҳининг ҳукмлари» китобида бошқа ўта хавфли жинойтлар қаторида одам ўлдириш ҳам санаб ўтилади. Қасддан одам ўлдириш оғирроқ жинойт ҳисобланган ва бошқа одамнинг ҳаётидан эҳтиётсизлик оқибатида маҳрум қилишдан кўра уни содир этганлик учун қаттиқроқ жазо назарда тутилган. Аборт учун жавобгарлик масаласи алоҳида қизиқиш уйғотади. Авестода аёлнинг аборт бўйича ҳаракати гуноҳ, деб баҳоланиб, уни амалга оширган аёл гуноҳкор ҳисобланган. Бундай ҳолда, аёлга кўмак берган эр ва (ёки) шифокорнинг ҳаракатлари қасддан одам ўлдириш сифатида баҳоланган.

2. Шариат нормалари амал қилган давр – исломнинг тарқалиши ва ислом жинойт ҳуқуқи нормаларининг таъсири билан боғлиқ. Шахс ҳуқуқларининг бузилишига исломнинг ҳуқуқий доктринаси одам ўлдириш ва тузалмайдиган тана жароҳатларини киритади. Ушбу жинойтлар учун жазо тайинлаш талион принципига асосланган.

Бирок, шариат нормаларида ушбу турдаги жинойтлар учун назарда тутилган талионни бошқа жазо билан алмаштириш имкони мавжуд. Суннатга кўра, бу ҳолда Пайғамбар жабрланган томонга «қасос» (ўлим жазосини), «дия» – жинойтчини кечиришни ёки ундан хун олишни танлашни буюрган.

Танлаш ҳуқуқи ўлдирилганларнинг меросхўрларига берилган, ammo ҳукм қилиш ҳуқуқи ўлдирилганларнинг меросхўрлари бўлмаган тақдирда ҳукмдор қотилни кечира олмайди, гарчи у ўлим жазосини қон тўкиш ўрнига алмаштириш ҳуқуқига эга бўлса ҳам, дейилган.

3. Чор Россияси ҳукмронлиги даври шариатнинг таъсири ва 1903 йилдаги Жиноят кодексининг нормалари амал қилиши билан тавсифланади. Ҳаётга ва соғлиққа қарши жиноятлар хусусий шахсга (одамга қарши) қилинган жиноят шакли сифатида ЖК XXII бобида келтирилган. Ҳаётга қарши жиноятлар тизими (453-466-моддалар) янада аниқ ва ихчам бўлди. Кодекс ўз жонига қасд қилиш учун жазолашдан воз кечиб, ҳаётга қарши жиноятларни фақат бошқа одамнинг ҳаётига тажовуз сифатида баҳолади. Жиноят кодексининг яна бир ижобий томони Россия империясининг жиноят ҳуқуқи анъаналарига зид равишда бу қасд шаклландан пайтга қараб одам ўлдиришларни фарқлашдан воз кечилди. 1903 йилдаги ЖКда ҳар хил турдаги одам ўлдириш учун жавобгарлик изчил ва малакаловчи хусусиятларига қараб дифференциация қилинди. Жиноятлар таркиби тизими янада аниқроқ бўлди. Одам ўлдиришнинг асосий таркиби (453-модда) биринчи ўринга қўйилди ва аввалгидек одам ўлдиришнинг энг қийин тури асосий таркиб сифатида белгиланмади. Мазкур даврда қасддан одам ўлдириш учун жазони оғирлаштирувчи ҳолатларининг жуда кенг рўйхати мавжуд эди. Масалан, 455-моддада: одамнинг юқори ёки пастки шажарадаги қариндошининг, эр ёки хотиннинг, ака-ука ёки сингилнинг; ибодатни ёки диний маросимни амалга оширишда руҳонийнинг; хизмат вазифаларини бажариши вақтида ёки уларни бажариши муносабати билан мансабдор шахсининг; император ёки император оила аъзосини кўриқлайдиган кўриқчи сафларидан бирининг ёки император хонадони ҳарбий кўриқчисининг; раҳбарнинг ёки хўжайиннинг ёхуд у билан бирга яшайдиган хўжайин оила аъзосининг ёки айбдор хизматда бўлган бошлиғининг ёки ўзи ишлаган ёхуд ўқитган устасининг ёки қотил тарбияси ва парвариши билан шуғулланган шахсининг; тўда (шахслар гуруҳи) томонидан; одам ўлдириш учун жазо ўталганидан кейин беш йил ичида; кўп одамлар ҳаёти учун хавфли тарзда; жабрланувчи учун оғриқли шаклда; заҳарланиш орқали; пистирмадан; ғаразғўйлик мақсадида; бошқа оғир жиноятни содир этишни енгиллаштириш мақсадида одам ўлдирилиши учун жавобгарлик назарда тутилган.

4. Совет даври 1926 ва 1959 йилдаги ЎзССР ЖК амал қилган даврни ўз ичига олади. РСФСР кодексининг андозаси ва намунаси асосида яратилган 1926 йилги ЎзССР ЖК оғирлаштирувчи ҳолатлар қаторига жабрланувчига азоб бериш; кўп одамлар ҳаёти учун хавфли тарзда; жабланувчининг ночор ҳолатидан фойдаланган ҳолда содир этилган қасддан одам ўлдириш киритилган. Одам ўлдириш турларига қараб, шу жумладан, оғирлаштирувчи ҳолатларга нисбатан жазо, яъни санкциялар чегаралари бир йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум этиш сифатида белгиланган. Жиноят субъекти ҳаёт ва соғлиққа қарши бошқа жиноятларники сингари 12 ёшга тўлган ақли расо шахс белгиланган.

5. Мустақиллик даври 1994 йилда Ўзбекистон Республикаси ЖК қабул қилиниши билан бошланади. Мазкур ЖК Махсус қисми айнан қасддан одам

ўлдириш жинояти билан бошланиб, ушбу модда икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмида ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган. Иккинчи қисмда жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар: оммавий тартибсизликлар жараёнида; номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабiiй усулда қондириш билан боғлиқ ҳолда; миллий ёки ирқий адоват замирида; безорилик оқибатида; диний таассублар замирида; киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига кўчириш (трансплантат) ёки мурданинг қисмларидан фойдаланиш мақсадида одам ўлдириш каби янги оғирлаштирувчи ҳолатлар ва улар учун узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган.

Диссертациянинг «**Одам ўлдиришга қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий жиҳатлари**» номли иккинчи бобида одам ўлдириш таркибининг юридик таҳлили амалга оширилган.

Диссертацияда таъкидланганидек, инсон ҳаётини жиноят-ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг аҳамияти шундан иборатки, ЖК Махсус қисми қасддан одам ўлдириш учун жавобгарликни назарда тутувчи 97-модда билан бошланади, ушбу модда ўзганинг ҳаётини қонунга хилоф равишда маҳрум қилишни назарда тутувчи бошқа турдаги жиноятлар учун асосий таркиб ҳисобланади. Ушбу жиноятлар гуруҳини биринчи ўринга қўйиш жиноят қонунчилигини ислоҳ қилиш асосидаги энг муҳим концептуал, яъни инсон ҳаёти ва соғлиғини, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини устувор ҳимоя қилиш ғоясига мос келади. Чунки айнан Жиноят кодекси инсон ҳаётини ўзига хос усуллар билан ҳимоя қилиш, ҳаётга қарши жиноятларнинг белгиларини шакллантириш ва уларни содир этганлик учун қатъий жазо чораларини белгилаш муаммосини ҳал қилади. Шунини таъкидлаш лозимки, одам ўлдиришнинг объекти билан ҳаётни жиноят-ҳуқуқий муҳофаза қилиш объекти ўртасида фарқ бор. Муаллиф инсон ҳаёти нафақат қонун устуворлиги билан ҳимоя қилинадиган субъектив ҳуқуқ, балки Конституцияда белгиланган мустақил ижтимоий, маънавий ва биологик аҳамиятга эга қадрият сифатида намоён бўлиши ҳақидаги ёндашувни маъқуллайди. Биосоциал ҳолат сифатида инсон ҳаёти ижтимоий-демографик хусусиятларидан қатъи назар, энг қимматли, бетакрор ва беқиёс қадрият сифатида жиноят қонуни билан ҳимоя қилинади. Қасддан одам ўлдиришнинг объектив томони бу қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик), ўлимнинг бошланиши шаклидаги оқибат ва улар ўртасидаги сабабий боғлиқликдир. Қоида тариқасида, одам ўлдириш инсон танасининг яхлитлигини бузадиган ва инсон ўлими бошланишига олиб келадиган фаол жисмоний ҳаракатлар билан содир этилади. Одам ўлдириш учун жавобгарликнинг зарурий шартини жиноятчининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) ва жабрланувчининг ўлими ўртасида сабабий боғланиш мавжудлиги ҳисобланади.

Қонун чиқарувчи қасддан одам ўлдиришнинг субъекти сифатида қуйидаги табақалаштирилган таснифга биноан жавобгарлик ёшига етган ақли расо жисмоний шахсни белгилайди: 13 ёш (оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш учун – ўта шафқатсизлик билан, икки ёки ундан ортиқ шахсни ўлдириш ва бошқалар); 14 ёш (оғирлаштирувчи ҳолатларсиз оддий қасддан одам ўлдириш, кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам

ўлдириш); 16 ёш (онанинг ўз чақалоғини қасддан ўлдириши; зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш; ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш; эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш).

Муаллифнинг фикрича, одам ўлдиришни квалификация қилишда вақт оралиғига эътибор қаратиш лозим, у шахс қилмишини қасддан одам ўлдириш, хусусан оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш сифатида баҳолашнинг муҳим элементи ҳисобланади. Шу муносабат билан жиноятни аниқлашда, қасднинг вужудга келиши (жиноятнинг режалаштирилиши) ва қилмиш (одам ўлдиришнинг бевосита содир этилиши) ўртасидаги вақт давомийлигига эътибор қаратиш лозим. Масалан, одам ўлдириш қуроли (ўқотар қуроллар, портловчи моддалар)ни қидириш, жабрланувчи (бой одам)ни кузатиб бориш, кейинги ҳаракатлар билан биргаликда, ЖК 97-моддаси иккинчи қисмининг «и» бандига кўра тамагирлик ниятида қасддан одам ўлдириш сифатида баҳоланиши мумкин.

Тадқиқотчининг таъкидлашича, юридик таҳлил Ўзбекистонда қилмишни одам ўлдириш деб квалификация қилиш учун асосдир. Ўз навбатида, қасддан одам ўлдиришга нисбатан бир қатор қоидалар мавжуд:

– оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдирганлик учун узоқ муддатли ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган;

– қасддан одам ўлдиришда айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлигида назарда тутилган жазо тайинлаш қонунчилиги қўлланилмайди;

– оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдиришга тайёргарлик кўрганлик ёки уни содир этишга суиқасд қилганлик учун тамом бўлмаган жиноят учун жазо тайинлаш қоидалари қўлланилмайди;

– оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдирганлик учун шартли ҳукм қўлланилмайди;

– оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдирганлик учун жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш қўлланилмайди;

– оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдирганлик учун тайинланган жазо енгилроқ жазо билан алмаштирилмайди.

Диссертациянинг «**Одам ўлдириш учун жавобгарлик назарда тутилган айрим хорижий давлатлар қонун ҳужжатларини ўрганиш ва ЖК нормаларини такомиллаштириш**» номли учинчи бобида одам ўлдириш учун жавобгарлик белгиланган айрим хорижий мамлакатлар жиноят қонунчилиги қиёсий таҳлил қилиниб, одам ўлдиришни бошқа ўхшаш таркибли жиноятлардан фарқлаш, одам ўлдириш учун жавобгарлик белгиланган қонунчиликни такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилган.

МДХ давлатларининг қонунларига биноан одам ўлдириш қасддан бошқа одамни ҳаётдан маҳрум этишдир. Беларусь Республикаси ЖК 139-моддаси биринчи қисмига кўра, одам ўлдириш «бошқа одамни ҳаётдан қасддан ноқонуний равишда маҳрум қилиш», деб берилган. Арманистон Республикаси ЖК 104-моддасида ўлдириш «бошқа одамни қасддан ҳаётдан маҳрум қилиш», деб белгиланган. Қозоғистон Республикаси ЖК 96-моддасида қасддан одам ўлдириш «бошқа одамни ғайриқонуний равишда қасддан ўлдириш», деган маънони англатади. Латвия Республикаси ЖК 116-моддасида

хам одам ўлдириш «бошқа шахсга қасддан ноқонуний равишда ўлдириш», деб таърифланади. Украина ЖК 115-моддаси биринчи қисмида одам ўлдириш «бошқа одамнинг қасддан ўлимига сабаб бўлиш», деб белгиланган. Баъзи мамлакатлар ЖКда (масалан, Италия ЖК 584-моддаси) одам дўппосланганда ёки унга тан жароҳати етказилиши натижасида жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлиш одам ўлдириш ҳисобланмайди, чунки мазкур ҳолатда ўлимнинг рўй бериши «айбдорнинг мақсади эмас эди», деб баҳо берилади. Ушбу тушунча Франция қонун чиқарувчи органи томонидан Франция Жиноят кодексининг 221-1-моддасида белгиланган. Бир қатор хорижий давлатлар (Англия, Испания, Канада, АҚШ, Германия Федератив Республикаси ва бошқалар)нинг жиноят қонунларига кўра одам ўлдириш деганда қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида бошқа одамни ҳаётдан маҳрум қилиш тушунилади. Голландия ЖКда (287-модда) қасддан бировнинг ҳаётдан маҳрум қилиш одам ўлдириш, деб тан олинган. Инсонни ҳаётдан қасддан маҳрум қилиш Япония ЖКга мувофиқ одам ўлдириш ҳисобланади (199-модда).

Диссертация доирасида АҚШ ва Европа мамлакатларининг жиноят қонунчилигидаги қоидалар ҳисобга олиниб, ЖКга қасддан одам ўлдириш учун жавобгарликни белгиловчи моддани янги уч қисмдан иборат қилиб киритиш таклиф этилган, ва уни яқин қариндошига нисбатан, ўқ отиш воситасидан фойдаланиб, шахсни ўғирлаш ёки зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш орқали, кичик ёшдаги болага нисбатан, қурол, ўқ-дорила, портловчи моддалар ёки портловчи мосламалардан фойдаланиб, талончилик, товламачилик ёки гаровга олиш билан боғлиқ ҳолда, сиёсий, мафкуравий адоват замирида, оммавий тартибсизликлар билан боғлиқ одам ўлдириш каби оғирлаштирувчи ҳолатлар билан тўлдириш тавсия этилган.

Муаллиф қасддан одам ўлдиришни бошқа одамнинг ҳаётдан қасддан маҳрум қилиш сифатида таърифлайди. Мазкур қилмишда шахснинг яшашга бўлган ҳуқуқи бевосита жиноят объекти ҳисобланади.

Диссертацияда одам ўлдиришнинг бошқа ўхшаш таркибли жиноятлардан фарқлари тавсифланган.

Ҳозирги кунда ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида шахсга нисбатан ғайриқонуний психологик таъсир кўрсатиш оқибатида жабрланувчининг ўлими юз бериши ҳолатлари кузатилмоқда. Мазкур ҳолатда шахснинг ҳаракатлари иш ҳолатларидан келиб чиқиб, ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш ёки ўзини ўзи ўлдиришга ундаш сифатида ЖК 103-моддасининг иккинчи қисми «г» банди ёки ЖК 103¹-моддасининг иккинчи қисми «в» банди билан квалификация қилиниши зарур. Мазкур ҳолатда объектив томондан одам ўлими билан шахснинг қилмиши ўртасидаги сабабий боғланиш бевосита эмас, балки билвоситадир.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 26 мартдаги ЎРҚ–613-сонли Қонуни билан ЖК 257¹-моддасининг янги таҳрири ЖКга киритилди. Жумладан, санитарияга оид қонун ҳужжатларини ёки эпидемияга қарши кураш қоидаларини бузиш одам ўлимига сабаб бўлиши оғирлаштирувчи ҳолат сифатида белгиланди. Мазкур жиноятни одам ўлдиришдан фарқлашда жиноят таркибининг субъектив томони ва объектига эътибор берилади. Хусусан, одам ўлдиришда шахснинг ҳаракатлари бошқа шахснинг ҳаётдан қасддан маҳрум

қилишга, яъни ўлимга нисбатан тўғри қасд шакли билан ифодаланди. Санитарияга оид қонун ҳужжатларини ёки эпидемияга қарши кураш қоидаларини бузишда эса одам ўлимга нисбатан шахсинг айби эҳтиётсизлик билан тавсифланади. Шунингдек, одам ўлдириш инсоннинг ҳаётга бўлган ҳуқуқини таъминловчи ижтимоий муносабатларга тажовуз қилса, санитарияга оид қонун ҳужжатларини ёки эпидемияга қарши кураш қоидаларини бузишда эса жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ижтимоий муносабатларга зарар етказилади. ЖК 257¹-моддасида муҳофаза қилинган ҳаёт билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар жиноят ҳуқуқи назарияси бўйича кўшимча объект ҳисобланади.

Диссертацияда одам ўлдириш ва Ўзбекистон Республикаси Президентига тажовуз қилиш жиноятларининг фарқлари ҳам таҳлил қилинган. ЖК 158-моддаси бўйича жабрланувчи сифатида қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланган Президентнинг ваколатларини бажариш давридаги Ўзбекистон Республикаси фуқароси, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи шахс бўлиши мумкин. Шахс Президент бўлган давр деганда, унинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг йиғилишида қасамёд қабул қилган пайтдан бошлаб янги сайланган Президент лавозимга киришгунга қадар бўлган вақт тушунилади.

Диссертацияда одам ўлдириш ва эвтаназия масалаларига ҳам эътибор берилган. Хорижий мамлакатларнинг жиноят қонунларида эвтаназия муаммоси кўпинча кенг талқин қилиниб, жабрланувчининг зарар етказиш учун розилиги сифатида кўриб чиқилади. МДХ мамлакатларининг ЖКда, авваламбор, бундай розилик қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолат сифатида белгиланмаслиги керак, деган ёндашув мустаҳкамланган. Инсон ҳаёти – энг олий қадрият, унга бўлган узвий ҳуқуқ конституциявий нормаларда мустаҳкамланган. Оддий одам ўлдириш ҳам, эвтаназия ҳам бу ҳуқуқни бузади, аммо бу икки қилмиш ўртасида анча ўхшашликлар билан бир қаторда жиддий фарқлар мавжуд. Жиноят объекти сифатида яшаш ҳуқуқи ҳам сифат, ҳам миқдор жиҳатдан баҳоланиши мумкин эмас. Бу ҳар бир инсоннинг ижтимоий ўрни, ёши ёки соғлиғи ҳолатидан қатъи назар, ҳаётни ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг тенглиги принципини белгилаб беради. Айнан жиноят объектининг бир хил қадрият сифатида баҳоланиши бошқа бир шахсни янглишиш туфайли ҳаётдан маҳрум қилиш квалификацияга сезиларли таъсир кўрсатмаслигини тушунтиради. Жиноят кодексида айрим тоифадаги кишиларнинг ҳаётига тажовуз қилганлик учун жавобгарликни оғирлаштирадиган махсус қоидаларнинг мавжудлиги ҳар бир инсон ҳаётини тенг ҳимоя қилиш тамойилини рад этмайди. Шундай қилиб, одам ўлдиришнинг бевосита объекти яшаш ҳуқуқи билан боғлиқ ижтимоий муносабатлардир. Эвтаназияда бўлса, тўғридан-тўғри жиноят объекти сифатида яшаш ҳуқуқини иккала томондан ҳам тушуниш керак, яъни ҳам табиий физиологик жараёнларнинг мажмуаси сифатида, ҳам жамиятда қонун билан ҳимояланган шахсинг мавжудлиги имконияти. Иккинчи томондан, эвтаназия оддий одам ўлдириш каби турдош ва умумий жиноят объектига эга, ҳисобланади.

Муаллифнинг фикрига кўра, жабрланувчининг ихтиёрий илтимосига биноан амалга оширилган азоб-уқубат чекаётган оғир хаста одамни қасддан ўлдириш алоҳида имтиёзли таркиб сифатида ажратилиши керак, чунки бу хатти-ҳаракатлар объектив ва субъектив томондан фарқланади, енгиллаштирувчи ҳолатларда содир этилади ҳамда оддий одам ўлдиришга нисбатан енгилроқ жазоланиши керак.

Қасддан одам ўлдиришнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва жиноятга тайёргарлик кўрганлик ва унга суиқасд қилганлик учун жавобгарлик белгилашнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, муаллиф одам ўлдиришга тайёргарлик кўрганлик ва унга суиқасд қилганлик учун жазо миқдорини тугалланган жиноят учун назарда тутилган жазонинг энг кам чегараси билан чеклаш тўғрисидаги қонидани ЖКга киритиш зарур, деб ҳисоблайди. Қонундаги суд одам ўлдиришга суиқасд қилганлик учун жазонинг энг кам чегарасини ҳам камайтиради, деган қонидани мустаҳкамлаш зарур. ЖК 58-моддасида ишнинг ўзига хос ҳолатини ҳисобга олган ҳолда, оғирлаштирувчи ҳолатларда одам ўлдиришга суиқасд қилганлик учун энг максимал жазо муддатини камайтириш тўғрисидаги қоидаларнинг кўлланилмаслигига оид қоида бекор қилиниши керак.

Диссертациянинг **«Одам ўлдиришга қарши курашишнинг криминологик жиҳатлари»** номли тўртинчи бобида одам ўлдиришнинг сабаблари ва шарт-шароитлари, одам ўлдирган шахс, одам ўлдиришнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, одам ўлдиришга қарши курашишнинг виктимологик жиҳатлари ўрганилган.

Статистик маълумотларга кўра, сўнгги ўн йил давомида қасддан одам ўлдириш жиноятлари сони камайиб бормоқда. Хусусан, 2015 йилда 766 нафар шахс томонидан 669 та, 2016 йилда 743 нафар шахс томонидан 666 та, 2017 йилда 593 нафар шахс томонидан 519 та, 2018 йилда 503 нафар шахс томонидан 432 та, 2019 йилда 351 нафар шахс томонидан 359 та одам ўлдириш содир этилган¹.

2019 йилда одам ўлдирганларнинг 308 нафари (87,7 %)ни эркаклар, 43 нафари (12,3 %)ни аёллар ташкил этган. Жиноят содир этганларнинг 3 нафари 13-15 ёш, 6 нафари – 16-17 ёш, 33 нафари – 18-24 ёш, 39 нафари – 25-30 ёш, қолганларини эса 30 ёшдан ошган шахслар ташкил этган².

Диссертацияда муаллиф айбдор шахси билан боғлиқ ҳолда жиноятчининг шахсини типларга ажратишни таклиф қилган.

Ёвуз ниятли тип – бу энг хавfli тип. Унинг ёвузлиги одатий касбга айланган шахсга ёки жамоат тартибига қарши бир неча бор содир этилган жиноятларда намоён бўлади. Битта, аммо ўта оғир қасддан одам ўлдириш, масалан, ўта шафқатсизлик билан, тамагирлик ниятида қасддан одам ўлдирган шахсни ҳам ёвуз, деб аташ мумкин. Ёвуз ниятли қотиллар уюшган жиноятчиликка хос бўлган жиноий уюшмаларнинг аъзолари бўлиши мумкин. Амалиёт шуни кўрсатадики, бундай жиноий жамоалар ёвуз ниятли

¹ www.stat.uz

² Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2019 йил 28 октябрдаги 01/4-01-19-1156-сон хати.

қотилларнинг турли тоифаларини – айниқса хавфли рецидивистларни, профессионалларни ўз ичига олади.

Вазиятга боғлиқ тип жиноятни атроф-муҳитдаги криминоген шарт-шароитлар таъсири остида содир этади, мазкур шароитларнинг умумийлиги жиноятнинг ҳолатини ташкил этади. Бу ерда шахснинг хатти-ҳаракати асосан аниқ ҳаётий вазият билан белгиланади. Ҳаётий вазиятни шартли равишда икки турга бўлиш мумкин: шахс билан боғлиқ ва жиноятчининг шахсий хусусиятларидан ташқаридаги объектив вазиятлар таъсири остида юзага келган вазият.

Тасодиқий тип, қоида тариқасида, илгари жамиятга қарши белгилар билан намоён бўлмаган ва ташқи вазиятнинг босими остида жиноят содир этган шахс. Ушбу турдаги криминоген шахснинг мавжудлиги кўплаб олимлар учун шубҳа уйғотади. Шунинг учун бу муаммо махсус ўрганилиши зарур ҳисобланади.

Қотилнинг *турғун бўлмаган ёки импульсив* тип учун тўсатдан вужудга келадиган ният хос бўлиб, у маълум бир ҳаракатни амалга оширишга, яъни жабрланувчининг ҳаётидан қасддан маҳрум қилишга олиб келади.

Муаллифнинг фикрича, кўп ҳолларда қасддан одам ўлдиришнинг сабаблари қуйидагилардан иборат.

Биринчидан, ноқулай иқтисодий вазият. Агар жиноятлар статистикасига назар ташланадиган бўлса, қасддан одам ўлдириш жиноятларининг учдан бир қисмидан кўпроғи тамагирлик ниятида содир этилган. Мазкур зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар ҳисобини юритишда шахсий манфаатлар замирида содир этилган жиноятлар ҳам ҳисобга олиниши мумкин.

Иккинчидан, оиладаги ноқулай муҳит. Кўпгина олимлар қасддан одам ўлдириш сабабларини таҳлил қилганда, оиладаги ноқулай муҳитга алоҳида эътибор беришади.

Учинчидан, тарбия ва таълимдаги камчиликлар, салбий атроф-муҳит ва ижтимоий бандлик тизимидаги камчиликлар.

Қасддан одам ўлдириш жиноятига қарши курашиш самарадорлигини ошириш, ўз навбатида, қуйидаги вазифаларнинг бажарилишини талаб қилади: биринчидан, шахснинг эҳтиёжлари ва манфаатларига қаратилган пухта ўйланган ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга ошириш; иккинчидан, қасддан одам ўлдиришни олдини олиш (огоҳлантириш)нинг замонавий тизимини яратиш ва ривожлантириш; учинчидан, бу оқилна тийиб турувчи жиноят-ҳуқуқий сиёсатни амалга ошириш. Жиноят қонунчилигида қатъийроқ ва юмшоқроқ чораларнинг оқилна мувозанати сақланиши керак; тўртинчидан, пенитенциар тизимни тубдан қайта ислоҳ этиш; бешинчидан, бу жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги илмий тавсиялардан кенг ва изчил фойдаланиш.

Диссертацияда одам ўлдириш, жумладан оилаларда вояга етмаганларга нисбатан зўравонликнинг умумижтимоий воситалар орқали олдини олиш кенг миқёсли тадбирларнинг бутун мажмуаси – ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий чоралар қабул қилиниши билан амалга оширилиши кўрсатиб ўтилган. Болаларни ҳимоя қилиш тизимининг қонуний асосларини ривожлантириш, бола ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш бўйича мавжуд

халқаро стандартларни амалга ошириш, вояга етмаганларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш тизимини яратиш ва тегишли муассасалар фаолиятини ташкил этишга эътибор қаратилиши лозим. Болаларни зўравонликдан, шу жумладан одам ўлдиришдан муҳофаза қилишни акс эттирадиган «Ўзбекистон Республикасида оналик ва болаликни ҳимоя қилиш миллий стратегияси» қабул қилиниши зарурлиги асосланган.

ХУЛОСА

Одам ўлдиришга қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари таҳлили асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

I. Одам ўлдиришга қарши курашишнинг назарий жиҳатлари бўйича илмий хулоса ва тавсиялар:

1. Одам ўлдириш учун жавобгарлик назарда тутилган Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигининг ривожланиш тарихи шартли равишда беш босқичга бўлинган:

